



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7508962>

ГЕОГРАФИЯДА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДАГИ ИНТЕРАКТИВ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳамроева Феруза Асроровна

география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доценти

Ўзбекистон-Финландия педагогика институти

e-mail: hamroyeva87@mail.ru

Усманова Дилафруз Хамидуллаевна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

e-mail: usmonovad167@gmail.com

Аннотация. Мақолада география дарсларида қўлланиладиган айрим педагогик технологиялар, уларнинг афзалликлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Жумладан, замонавий ўқитиш усуллари, уларни медиатеchnологиялар асосида турли интерактив ўйинлардан фойдаланиб ўтиш жараёнлари илмий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: анимация, визуал эффектлар, мультимедиа, слайд-шоу, интеллект, интерактив ўйинлар.

THE USE OF INTERACTIVE GAMES BASED ON MULTIMEDIA TECHNOLOGIES IN GEOGRAPHY

Khamroeva Feruza

Usmanova Dilafruz

Annotation. The article provides information about some pedagogical technologies used in geography lessons, their advantages and peculiarities. In particular, a scientific analysis of modern teaching methods, the process of their transfer using various interactive games based on media technologies.

Keywords: animation, visual effects, multimedia, slide show, intelligence, interactive games.

Медиа бу инсонлар ўртасида ахборот, билим, хис-туйғулар, фикр ва ғояларни, унинг этимологияси суҳбатдошга билим ёки ахборотни етказиб бериш ҳисобланади. Бир хил турдаги маълумотлар мономедиа деб номланади. Мультимедиа бу биттадан кўп бўлган медиа бўлиб, унинг компоненталари – матн, тасвир, графика, овоз, мусиқа, анимация, видеолардир.

Мультимедиа технологияларининг асосий мақсади – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар (Simulation) билан таъминланган дастурий маҳсулотларни яратишдан иборатдир. Бунда мультимедиа дастурий маҳсулотлари ўз ичига интерактив интерфейс ва бошқариш механизмларини ўз ичига қамраб олади. Мазкур тушунча 1988 йилда Янги технологияларни

амалиётда татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш муаммолари билан шуғулланадиган йирик Европа Комиссияси томонидан шакллантирилган.

Мультимедиа технологияларининг афзалликлари ва хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади [1]:

- битта ахборот ташувчида катта ҳажмли турли маълумотларни сақлаш имконияти;

- экранда тасвирни ёки унинг айрим фрагментларини катталаштириш имконияти (бундан табиий географик ҳодисалар ва объектларни презентация қилишда фойдаланиш мумкин);

- тасвирларни таққослаш ва турли дастурий воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш;

- аудио ва видео имкониятларига эга бўлиш;

- Internet глобал тармоғига уланиш имконияти;

- турли матн, графика ва товуш муҳаррирлари ва картографик маълумотлари билан ишлаш имкониятлари;

- автоматик равишда дастурий маҳсулотнинг бутун мундарижасини кўриб чиқиш (“слайд-шоу”) ёки анимация ва товуш билан таъминлаш.

-



1-расм. Билимдонлар ўйининг бошланиш саҳифаси

Ҳозирги вақтда география фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий-интеллектуал қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш, талабаларни дарс жараёнида фаоллаштириш, ўзлаштириш даражаларини кўтариш билан бирга маъруза машғулотлари самарадорлигини ошириш йўли бумультимедиа технологияларидан таълим жараёнида самарали фойдаланишдир. География фани бўйича мультимедиа ишланмаларига маърузаси ва

кўргазмалилик билан таъминланган тайёр дарсларни киритилиши талабаларга маълумотларни пухта ва мукамал ўзлаштиришида катта ёрдам беради. Маъруза машғулотларини мустаҳкамлаш ҳамда амалий кўникмаларни ривожлантиришда мультимедиа технологиялари асосида тайёрланган интеллектуал ўйинларнинг аҳамияти каттадир. Интеллектуал атамаси лотинча *intelektus* сўзидан олинган бўлиб “ақл, онг” инсоннинг ақлий қобилияти маъноларини билдиради. Бинобарин, интеллект деганда, одатда автоматик тизимларнинг инсон интелектига хос айрим вазифаларни олдин олинган тажриба асосида энг мақбул қарорларни танлаш ва қабул қилиш ҳамда ташқи таъсирлардан оқилона фойдаланишни ўз зиммасига олиш хусусияти сифатида талқин қилинади (1-расм). Интеллект – бу инсоннинг эслаб қолиш ва мақсадга йўналтирилган ҳолда ўзлаштириш қобилиятидир [2].

mashtab	100	50	90	150	80
Karta va uning turlari	50	100	90	80	150
Kartalar tasnifi	90	150	80	100	50
Teskari muloqot karta va atlas	150	100	90	50	80
Qo'shimcha mavzu	90	100	150	20	10
National geographic	10	20	20	30	20
Iqlim	20	30	20	20	30

2-расм. Билимдонлар ўйининг саволлар танлаш ва унга бериладиган балл саҳифаси

Географияни ўқитишда интеллектуал ўйин турларидан бири “билимдонлар ўйини”ни компьютер технологияси ёрдамида “слайд-шоу” тарзда ташкил этилиши талабаларнинг маълумотлар билан тезкор ва ижодий ишлаш имкониятини беради, таълим самарадорлигини оширади.

Ушбу ўйин маъруза машғулотларидан сўнг мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилади. Ўйинда талабалар 5 киши ва ундан ортиқ бўлган гуруҳларга бўлинади ва мавзуга оид тушунчаларни танлайдилар. Ҳар бир

тушунча мазмунини очиб берувчи саволлар қийинлик даражасига қараб балл белгиланган.

Иштирокчиларга ҳар бир саволга ўйлаш учун икки дақиқа вақт берилади. Гуруҳдаги иштирокчилар келишган ҳолда гуруҳ сардорини тайинлайди. Сардор савол танлашни ўзи хоҳлаган иштирокчига юклайди. Тўғри жавоб берган иштирокчи ўйинда ўйинни давом эттиради. Аксинча саволга жавоб беролмаган иштирокчилар ўйинни тарк этади. Иштирокчиларга имтиёз тарзда “Qo’shimcha mavzu” ёки “National geographic” номли саҳифаларни танлаб ўтилган мавзуга боғлиқ ва қизиқарли саволларни танлаб жавоб бериш имконияти берилади. Билимдонлар ўйинда саволларга тўғри жавоб бериб энг кўп балл тўплаб ғолиб бўладилар (2-расм)



3-расм. Билимдонлар ўйинининг топшириқлар билан ишлаш саҳифаси

Интерактив дастурий воситаларга асосланган интеллектуал ўйинлар талабаларни фанга бўлган қизиқишларини орттириш, уларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ўтказиш, мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантиришда турли тадбирлар, географик билимлар кечаларини уюштириш алоҳида аҳамиятга эга.

10. Интерактив интеллектуал ўйинлар талабалар назарий билимларини мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларини малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, талабаларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди. Интеллектуал ўйинлар қуйидаги учта: тарбиявий, фаолиятни ривожлантирувчи ва дидактик мақсадларга йўналтирилган бўлади[49].

Тарбиявий мақсади- мустаҳкам иродани тарбиялаш, берилган масалаларга аниқ ёндашиш, жамоага киришиб кета олиш, малака ва кўникмаларни шакллантириш, эстетик дунёқарашни кенгайтиришга қаратилган бўлади.

Фаолиятни ривожлантирувчи мақсади- хотира. Диққат, нутқ, тафаккур, ижодий қобилият, мақбул ечимни топа олиш, ўқув фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Дидактик мақсади- билиш фаолияти, амалий фаолиятдаги билимларни янада мукаммаллаштириш, малака ва кўникмаларни ривожлантиришни назарда тутади.

Мультимедиа технологиялари асосида тайёрланган география фанига оид интеллектуал ўйинлар таълим сайтларидаги манбалар, мантиқий саволлар асосида бўлса талабалар ўз билимларини Интернет тизими орқали мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Khamroeva, F. A. (2017). Importance of Media Studies for Increasing Lesson Productivity. *Eastern European Scientific Journal*, (5).

2. Хамроева, Ф. А. (2019). ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ МЕДИАГРАМОТНОСТИ У СТУДЕНТОВ. *Актуальные проблемы современной науки*.

3. Усманходжаев, Т. С., Акмалов, А. А., & Дусанов, У. С. ХАРАКТЕРИСТИКА ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ ШКОЛЬНИКОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ НАРОДНЫХ ИГР.

4. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). Табиий география курсларида амалий машғулотларни ташкил қилишда янги педагогик технологияларни қўллаш услубиёти. *Academic research in educational sciences*, (4), 663-671.

5. Abdimurotov, O. U. (2021). “YEVROSIYO MATERIGI” NI O'QITISHDA “KEYS STADI” METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. *Academic research in educational sciences*, 2(1), 377-382.

6. Abdimurotov, O. U. (2020). Tabiiy geografiya darslarini mustaqil o'rganishda interfaol metodlardan foydalanishning imkoniyatlari. *Academic research in educational sciences*, (3), 1306-1312.